

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**128** Тadbиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати  
50 кВтгача бўлган электр қурилмаларини электр тар-  
моқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги  
низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2220-1*

*(2012 йил 26 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июл-  
даги 222-сон «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари  
ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон  
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 327-модда) ва  
2011 йил 2 ноябрдаги 294-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекис-  
тон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркор-  
ликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакл-  
лантиришга доир қўшимча чора-tadbирлар тўғрисида» 2011 йил 24 август-  
даги ПФ-4354-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тadbиркорлик фаолияти эркин-  
лигини янада ошириш чора-tadbирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги  
ПҚ-1604-сон қарори)» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи-  
нинг 2011 йил 7 апрелдаги 3-сон буйруғи (рўйхат рақами 2220, 2011 йил  
27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.,  
17-сон, 173-модда) билан тасдиқланган Тadbиркорлик фаолияти субъектла-  
рининг қуввати 50 кВтгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқла-  
рига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди-  
даги «32» рақами «49<sup>1</sup>» рақамига алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

қурилиш қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда «Қишлоқэнерголойиҳа» ОАЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 17 февраль,  
2-сон

**Келишилди:**

*Давлат архитектура ва қурилиш  
қўмитаси раиси*

**Б. ЗОКИРОВ**

*2012 йил 14 февраль*

*Монополиядан чиқариш ва  
рақобатни ривожлантириш  
Давлат қўмитаси раиси в. б.*

**У. ТУРДИЕВ**

*2012 йил 14 февраль*

*«Ўзбекэнерго» ДАК  
Бошқаруви раиси*

**Б. ТЕШАБОЕВ**

*2012 йил 14 февраль*

*«Қишлоқэнерголойиҳа»  
ОАЖ директори*

**3. АБДУЖАББОРОВ**

*2012 йил 14 февраль*